



# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

## 6/2024



@buxdu\_uz



@buxdu1



@buxdu1



[www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)



E-ISSN 2181-1466

9 772 181 14600 4



ISSN 2181-6875

9 772 181 68700 4

## 6/2024

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI**  
**SCIENTIFIC REPORTS OF BUKHARA STATE UNIVERSITY**  
**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК БУХАРСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**

**Ilmiy-nazariy jurnal**  
**2024, № 6, iyun**

Jurnal 2003-yildan boshlab **filologiya** fanlari bo'yicha, 2015-yildan boshlab **fizika-matematika** fanlari bo'yicha, 2018-yildan boshlab **siyosiy** fanlar bo'yicha, **tarix** fanlari bo'yicha 2023 yil 29 avgustdan boshlab O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar Vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zaruriy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot\_buxdu@buxdu.uz

**TAHRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinbosari:** Rasulov To'liqin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

**Mas'ul kotib:** Shirinova Mexrigiyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich**, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot davlat universiteti, Rossiya)

**Danova M.**, filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

**Margianti S.E.**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

**Minin V.V.**, kimyo fanlari doktori (Rossiya)

**Tashqarayev R.A.**, texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

**Mo'minov M.E.**, fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**Adizov Baxtiyor Rahmonovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Abuzalova Mexriniso Kadirovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Amonov Muxtor Raxmatovich**, texnika fanlari doktori, professor

**Barotov Sharif Ramazonovich**, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

**Baqoyeva Muhabbat Qayumovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich**, biologiya fanlari doktori, professor

**Jumayev Rustam G'aniyevich**, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

**Djurayev Davron Raxmonovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Durdiyev Durdimurod Qalandarovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Olimov Shirinboy Sharofovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Umarov Baqo Bafoyevich**, kimyo fanlari doktori, professor

**Murodov G'ayrat Nekovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**O'rayeva Darmonoy Saidjonovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Hayitov Shodmon Ahmadovich**, tarix fanlari doktori, professor

**To'rayev Halim Hojiyevich**, tarix fanlari doktori, professor

**Rasulov Baxtiyor Mamajonovich**, tarix fanlari doktori, professor

**Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Quvvatova Dilrabo Habibovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Axmedova Shoira Nematovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Bekova Nazora Jo'rayevna**, filologiya fanlari doktori (DSc), professor

**Amonova Zilola Qodirovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Hamroyeva Shahlo Mirjonovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Nigmatova Lola Xamidovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Boboyev Feruz Sayfullayevich**, tarix fanlari doktori

**Jo'rayev Narzulla Qosimovich**, siyosiy fanlar doktori, professor

**Xolliyev Askar Ergashovich**, biologiya fanlari doktori, professor

**Artikova Hafiza To'ymurodovna**, biologiya fanlari doktori, professor

**Hayitov Shavkat Ahmadovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**Qurbonova Gulnoz Negmatovna**, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

**Ixtiyarova Gulnora Akmalovna**, kimyo fanlari doktori, professor

**Rasulov Zubaydullo Izomovich**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Mirzayev Shavkat Mustaqimovich**, texnika fanlari doktori, professor

**Samiyev Kamoliddin A'zamovich**, texnika fanlari doktori, dotsent

**Esanov Husniddin Qurbonovich**, biologiya fanlari doktori, dotsent

**Zaripov Gulmurot Toxirovich**, texnika fanlari nomzodi, professor

**Jumayev Jura**, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

**Klichev Oybek Abdurasulovich**, tarix fanlari doktori, dotsent

**G'aybulayeva Nafisa Izattullayevna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**MUNDARIJA \*\*\* СОДЕРЖАНИЕ \*\*\* CONTENTS**

**ADABIYOTSHUNOSLIK \*\*\* LITERARY CRITICISM \*\*\* ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ**

<b>Муродов Ғ.Н.</b>	Гуманизм ва бадий тафаккур уйғунлиги	3
<b>Ҳамдамов У.А.</b>	Фитрат шеърятда жадидчилик ғояларининг акс этиши	9
<b>Babayev M.T.</b>	Jaloliddin Rumiyning “Masnaviyi ma’naviy” manzumasidagi masallarda hayvonlarning antropomorfizmi	13
<b>Bozorova R.Sh.</b>	O‘zbek va nemis folklorida suv talqini	18
<b>Chorieva M.J.</b>	The rational perception of the "Pride" in Jane Austen's "Sense and sensibility"	24
<b>Дармонов И.К.</b>	Шомон мўъжизалари ҳақидаги афсоналар	30
<b>G‘aniyeva N.G‘.</b>	Amerikada “rezistans” adabiyoti: Maya Anjelou she’rlari misolida	34
<b>Qurbonova N.R., Ikromova N.I.</b>	Ted Hyuz ijodi adabiy tanqidchilar nigohida	41
<b>Iskandarova Sh.U.</b>	Badiiy adabiyotning epistemologik qiymati	45
<b>Khudoyorova N.B.</b>	The main characteristics of the english enlightenment literature	50
<b>Mizrabova J.I.</b>	Uilyam Shekspir ijodi va uyg‘onish davrining xalq madaniyati	58
<b>Narziyeva S.D.</b>	Samandar Vohidov uhroviy mazmundagi she’rlarining meditatif va elegiyaviy xususiyatlari	63
<b>Qosimova N.F.</b>	Tarjimaga kognitiv yondashishda ongli va avtomatik jarayonlar hamda intuitsiyaning mohiyati	68
<b>Salixova N.N., Luqmonova N.B.</b>	Tarjima tarixi va tarjimonlik faoliyati	73
<b>Temirova F.O.</b>	Bolalar latifalarining o‘ziga xos jihatlari va mezonlari	77
<b>Tursunova S.U.</b>	Psychologism of a female character in Zulfiya Kurolbay's story "Woman"	82
<b>Ахматов А.А.</b>	Положение эпического искусства и искусства наказаний в Кашкадарьинском оазисе	86
<b>Каримова Д.Х.</b>	Немис ва ўзбек адабиётида адабий эртақ такомилнинг асосий омиллари ва манбалари (Ака-ука Гримм эртақларининг ўзбекча таржималари мисолида)	90
<b>Farmanova D.A.</b>	Ethnopoetics in english and uzbek novels	94

## НЕМИС ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА АДАБИЙ ЭРТАК ТАКОМИЛИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ ВА МАНБАЛАРИ (Ака-ука Гримм эртақларининг ўзбекча таржималари мисолида)

*Каримова Дилафрўз Ҳалимовна,  
Бухоро Давлат университети Немис филологияси кафедраси доценти  
[dilafruz.karimova.1975@mail.ru](mailto:dilafruz.karimova.1975@mail.ru)*

*Аннотация.* Ушбу мақолада таржима вариантлари тушунчаларининг илмий-назарий, терминологик моҳияти, халқ эртақлари билан адабий эртақлар тилининг ўзига хослиги, уларда қўлланилган лингвокултуремаларни таржимада бериши муаммолари, талқини ва тавсифи, халқ эътиқодий қарашлари, миллийлиги билан боғланиши ва уларни таржима жараёнида сақлаб қолиши имкониятлари ўрганилиб таҳлилга тортилган.

*Калит сўзлар:* фольклор, сюжет, афсонавий эртақлар, қиёсий морфология, филолог, киноя, муболага, юмор, вариант, бевосита таржима, билвосита таржима, адабий эртақ.

## ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ И ИСТОЧНИКИ РАЗВИТИЯ ЛИТЕРАТУРНОЙ СКАЗКИ В НЕМЕЦКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (На примере узбекских переводов сказок братьев Гримм)

*Аннотация.* В данной статье раскрывается научно-теоретическая, терминологическая сущность понятий варианты перевода, своеобразие языка народных сказок и литературных сказок, проблемы перевода используемых в них лингвокультурализмов, их трактовки и описания, связи с анализируются религиозные воззрения народа, национальность, возможности их сохранения в процессе перевода

*Ключевые слова:* фольклор, сюжет, легендарные сказки, сравнительная морфология, филолог, ирония, преувеличение, юмор, вариант, прямой перевод, косвенный перевод, литературная сказка.

## THE MAIN FACTORS AND SOURCES OF THE DEVELOPMENT OF THE LITERARY FAIRY TALE IN GERMAN AND UZBEK LITERATURE (In the example of the Uzbek translations of the Brothers Grimm's fairy tales)

*Abstract.* This article does not translate the scientific-theoretical, terminological essence of the concepts of variants, the uniqueness of the language of folk tales and literary tales, in them • the problems of translation, interpretation and description of the used linguo-cultural expressions, their connection with the religious views, nationality, and the possibilities of preserving them in the process of translation are studied and analyzed.

*Keywords:* folklore, plot, legendary tales, comparative morphology, philologist, irony, hyperbole, humor, variant, direct translation, indirect translation, literary tale.

**Кириш.** Эртақ халқ оғзаки бадиий ижодининг энг қадимий, оммавий, ҳажман йирик, каттаю кичиклар учун баравар қизиқарли бўлган жанридир. Улар жуда узок ўтмишда ибтидоий ажодларимизнинг мифологик дунёқараш, қадимий урф-одатлари, маросимлари асосида пайдо бўлган. Эртақларда, одатда, халқнинг маиший турмуши ва энг олижаноб инсоний фазилатлари ҳақидаги орзу-ўйлари ҳаёлий ва ҳаётий уйдирмалар воситасида баён этилади.

Оғзаки насрий асарлар тузилиши жиҳатидан халқ лирикаси ва оғзаки драмаси намуналаридан ажралиб туради. Бу фарқ, асосан, воқеликни ифодалаш йўлига қараб белгиланади. Чунки халқ насрий асарларида воқеалар аниқ ва мукамал сюжет асосида баён этилади, тафсилийлик устунлик қилади. Уларда эмоционалик, метрик ўлчов учрамайди, воқелик эпик нутқ воситасида баён этилади.

Халқ оғзаки насрий асарларида сюжет муҳим ўрин тутди. Улар ҳеч қачон сюжетсиз бўлмайди. Насрий асарлар сюжетини кириш (экспозиция), тугун, эпик саргузашт ёки воқеалар ривож, кульминация (асарнинг энг авж нуқтаси), ечим кабилар ташкил этади. Ҳар бир халқнинг эртаги ўша халқ тарихини, маънавий-маданий турмуш тарзини, ички дунёсини, имон-эътиқодини бошқа қардош элу элатлар билан ижтимоий муносабатларини, урф-одатларини, яшаш жойининг иқлими ва табиий

шарт-шароитларини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди. Деярли барча эртақларнинг ғоявий йўналиши ягона мақсадга - меҳнат аҳлининг буюк ва ёрқин келажак учун олиб борган курашларини, интилиш ва орзуларини акс эттиришга қаратилган. Шунинг учун эртақлар ҳамisha яхшилик ва муродга етишдан иборат умидбахш ғоя билан якун топади.

**Асосий қисм.** Ака-ука Гриммлар немис халқининг энг сеvimли эртақчи-ёзувчиларидир. Бирок уларнинг номи нафақат немис ўқувчиларига, балки жаҳондаги барча халқларга танишдир. Чунки уларнинг эртақлари жуда кўп тилларга таржима қилинган. Албатта, ака-укаларнинг номи бу тарзда жаҳонга кенг танилишида уларнинг эртақлари турли тилларга таржима қилиниши муҳим аҳамият касб этганини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, уларнинг эртақлари билан ўзбек халқи ҳам ўтган асрнинг 30-йиллари охирларига келиб таниша бошлаган.

Ака-укаларнинг эртақлари бу қадар оммалашиб кетишига, энг аввало, уларнинг қизиқарли сюжетга эгаллиги, юксак умуминсоний ғоялар билан суғорилгани, яхшилик ҳамisha ёмонлик устидан ғалаба қозонишини кенг тарғиб этиши асос бўлди.

Халқ оғзаки ижодига қизиқиш Европада, шу жумладан Германияда Уйғониш даврига тўғри келади. Бирок XIX асрга келиб, Германияда унга бўлган қизиқиш, уларни қайта ишлаш, янги эртақларни ижод этиш ўз навбатида немис адабиётида болалар китобхонлиги доирасини янада кенгайтириб юборади.

Ўрни билан айтиш керакки, ўзбек болалар адабиётига, унинг ажралмас қисми бўлмиш ўзбек халқ эртақларини йиғиш, ёзиб олиш ва уларни тартибга солиш асосан октябрь революциясидан кейин бошланган. Ана шу нарса ўзбек болалари орасида китобхонликни етарли даражада эмаслигининг асосий сабабларидан бири эмасмикин?! Немис халқ эртақларини тўплашда таниқли фольклорист ва филолог олимлар ака-ука Гриммлар фаол иштирок этганлар. Халқ эртақларининг мафтун этувчи сеҳри уларни бутун умр бўйи ўзига ром этган. Ака-ука Якоб ва Вилгелм Гриммлар Марбург университетиде студентлик чоғларидаёқ ўрта аср немис тарихи, маданияти, афсоналари ва ҳуқуқи, герман тиллари, адабиёти ва халқ ижодини ўрганишга қизиқишади. Якоб Гримм немис тилининг тарихий грамматикаси, қиёсий морфология, Вилхелм Гримм эса ўрта аср немис фольклори ва адабиёти бўйича йирик мутахассислар бўлиб етишадилар. Бу соҳадаги хизматлари эвазига профессор илмий унвонига эга бўлишади. Ака-ука Гриммлар халқ оғзаки ижоди қадимий ёдгорликларини тўплаш, нашр қилиш йўли билан сақлаб қолиш учун хизмат қилишар экан, уларни халқ мулкига айлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишади.

Халқ оғзаки ижодига мурожаат қилган Гриммлар биринчи навбатда халқ эртақларига алоҳида диққат билан қарашади, уларни халқ поэтик ижодининг гўзал намуналари сифатида ардоқлайди. Фридрих Энгельс ўзининг “Немис халқ китоблари” номли мақоласида Гриммларнинг халқ эртақларини қайта ишлашдаги юксак талантига баҳо бериб, қуйидагиларни ёзган эди. “Ҳамма ҳам адабий асарни шу даражада қайта ишлай олмайди. Мен адабий асарни тўғри танлаш ва қадимий усулда ифодалашда ва етарли танқидий зеҳн, дид ва қобилятга эга бўлган фақат икки авторни биламан. Булар ака-ука Гриммлардир”.

Гриммлар кўп эртақларни халқ орасида юриб, бевосита деҳқонлардан, эртақчилардан ёзиб олишади. Эртақларнинг қадимий вариантларидаги сюжетни, анъанавий ҳолатларини сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Айни пайтда эртақларнинг бадиий қимматини ошириш, халқ ҳаётига яқинлаштириш, образлар ва шаклларни такомиллаштириш учун катта меҳнат қилишади. Улар яратган эртақларнинг биринчи тўплами “Болалар ва оила” (“Kinder und Familie”) номи билан 1812 йилда, 1815 йилда иккинчиси, 1822 йилда эса учинчи китоблари нашр қилинади. Бу китоблар ака-ука Гриммларнинг номини дунёга танитади ва тез орада жаҳоннинг кўпгина бошқа тилларига таржима қилинади.

Улар эртақлар орқали немис халқининг ўзлигини танитишга, халқининг дилидаги орзу-истакларини топиб, содда, халқчил услубда, юқори бадиий шаклда ифодалашга муваффақ бўлдилар. Гриммлар яратган эртақлар ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, уларнинг тематик доираси кенг, мазмуни инсон фаолияти, ҳайвонлар ва жониворлар, табиий ҳодисаларнинг жуда кўп томонларини қамраб олган. Ака-укалар яратган эртақларнинг қаҳрамонлари кўпинча подшоҳлар, шахзодалар, зодагонлар, олий табақадаги кимсалар эмас, балки оддий халқ ичидан чиққан деҳқон, косиб-хунармандлар, камбағалнинг ўғил-қизлари. Улар ўзларининг зийраклиги, удабуронлиги, меҳнатсеварлиги, хунармандлиги, синчковлиги, хушёрлиги, инсонпарварлиги каби хислатлари билан характерлидир. Ака-ука Гриммлар яратган эртақларни ғоявий тематик жиҳатдан уч гуруҳга ажратиш мумкин:

а) Афсонавий эртақлар: “Der tapfere Schneider” (“Ботир тикувчи”), “Das Schneewittchen” (“Қорқиз”), „Die goldene Gans“ (“Олтин ғоз”);

б) Ҳайвонлар ва жониворлар ҳақидаги эртаклар: „Der Hase und der Igel“ („Қуён билан типратикан“), „Der Wolf und der Fuchs“ („Бўри ва тулки“), „Die Bremer Stadtmusikanten“ („Бремен шаҳри мусиқачилари“);

в) Ҳаётгий эртаклар: „Die kluge Else“ („Ақлли Элза“), „Der faule Heinz“ („Ялқов Ҳайнс“), „Frau Holle“ („Бўрон кампир“);

Афсонавий эртакларнинг сюжети, асосан халқ орасида қадимдан яшаб келаётган эртаклардан олинган, пардозлаб қайта ишланган. Ҳайвонлар, жониворлар ҳақидаги эртаклар масаллардаги анъанавий услубга жуда яқин бўлиб, уларнинг кўпида аллегорик образларнинг ҳатти-ҳаракатлари орқали ҳаётдаги айрим қусурлар устидан кулинади. Ҳаётгий эртакларнинг сюжети эса кўпинча турмуш ҳодисаларидан олинган бўлиб, уларнинг қаҳрамонлари ҳам ҳаётда мавжуд, деярли ҳар куни дуч келинадиган у ёки бу шахсни кўз ўнгимизда гавдалантиради.

Ака-ука Гриммлар яратган эртакларнинг бадиий савияси юқори даражада бўлиб, уларда фольклордаги анъанавий услубни ҳам, сюжетдаги ихчамликни ҳам, халқ жонли тилида мавжуд киноя, муболага, юмор, камсуханлик каби фазилатларни ҳам яққол кўриш мумкин. Ана шу фазилатлар ака-ука Гриммлар эртакларининг ўз мамлакати доирасидан четга чиқиб, дунёга кенг тарқалишига, улар номининг жаҳонда машҳур бўлишига олиб келди.

Бугунги кунда жаҳоннинг бирор гўшаси йўқки ака-ука Гриммлар эртаги бормаган бўлса, бирорта маданий тил йўқки, улар таржима қилинмаган бўлса. Улар жаҳоннинг бошқа тилларига таржима қилинганлигидек, бизнинг она тилимиз – ўзбек тилига ҳам ўғирилган.

Немис халқ эртакларига бўлган қизиқиш Ўзбекистонда октябрь революциясидан кейин бошланган. Улар 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб таржима қилина бошланган ва қайта-қайта нашр қилинган ва нашр этилмоқда.

Ака-укаларнинг эртаклари дастлаб 1937 йилда ўзбек тилига ўғирила бошланган. Бунда уларнинг таржимаси билвосита (русча таржимасидан) амалга оширилганлиги кузатилади. Кейинги йилларда эса уларнинг таржимаси бевосита немис тилидан ўзбек тилига амалга оширилгани кишини қувонтиради.

Ака-ука Гримм эртакларининг илк нашрлари ўтган аср 30-йилларининг ўрталарида бошланган. Жумладан, 1937 йилда “Ёш куч” журналининг қатор сонларида уларнинг эртакларидан намуналар эълон қилиб борилган. Масалан, журналнинг ўша йилги 8-сонида ака-укаларнинг “Бўри билан етти эчки”, 9-сонида “Бремен музикачилари”, 1938 йилнинг 11-12-сонларида эса “Беянкахон ва Розахон” сингари эртаклари болалар эътиборига ҳавола қилинган.

1938 йилда ака-ука Гриммларнинг “Ботир тикувчи” эртаги илк марта алоҳида китобча ҳолида Ф.Расулов таржимасида чоп этилган.

1938 йилда ака-ука Гриммларнинг эртаклари илк марта алоҳида тўплам ҳолида чоп этилган. 45 саҳифалик альбом кўринишидаги бу китобнинг таркибида 8 та эртак келтирилган. Булар: “Бремен музикачилари”, “Мушук блан сичқан”, “Қуён билан тпиратқан”, “Аҳмақ Ганс”, “Ақлли Элза”, “Бир хурмаса шавла”, “Бори блан жетти эчки”, “Тулки блан ғазлар” каби эртаклардир. “Бремен машшоқлари”, “Қуён билан типратикан”, “Сомон, чўғ ва ловия”, “Бир хумча шовла”, “Бўрон кампир”, “Етти қарға”, “Ялқов Гейнц”, “Митти одамчалар”, “Оқойим ва Гулойим”, “Уч бахтиёр”, “Қўли гул қизча”, “Ботир тикувчи”, “Тулки билан ғозлар”, “Уч ака-ука” каби эртаклардир.

Шундан сўнг 1939-40 йилларда ака-укаларнинг эртаклари болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти томонидан “Олтин ғоз” эртаклари алоҳида китобча шаклида чоп этилган. 16 саҳифадан иборат бу эртакнинг таржимасини Ваҳоб Рўзматов амалга оширган.

1945 йилда ака-укаларнинг “Поя кўмир ва ловя” деб номланган эртаклари жажжи китобча сифатида чоп этилади.

1954 йилда ака-ука Гриммларнинг эртаклари “Етти қарға” номи остида нашр этилган ва тўпламдан “Етти қарға”, “Ботир тикувчи”, “Бўрон кампир”, “Олтовлон бир бўлиб бутун дунёни айланиб чиқамиз”, “Бремен музикачилари”, “Ёш паҳлавон”, “Уч оға-ини”, “Қуён билан типратикан”, “Сирли одамчалар”, “Фойдали иш”, “Бойкуш”, “Ялқов Гейнц”, “Етти ботир”, “Ўрмондаги уйча”, “Жинқарча” каби 15 эртак ўрин олган. Уларнинг таржимасини М.Содиқова амалга оширган.

1963 йилда ака-ука Гриммларнинг эртаклари “Бўрон кампир” номи билан “Ёш гвардия” нашриёти томонидан нашр этилиб, унда Р.Фузаилова таржима қилган “Бўрон кампир”, “Золушка” эртаклари қатори М.Содиқова ўзбекчага ўғирган “Бремен музикачилари”, “Ёш паҳлавон”, “Сирли одамчалар”, “Фойдали иш”, “Ялқов Гейнц”, “Ботир тикувчи” каби жами 8 та эртак ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Бу эртакларда дангаса ва эпчил кизлар, ўзи ёш бўлишига қарамай катта

кучга эга бўлган ёш паҳлавон, камбағал косибга ёрдам берган сирли одамчалар ва ниҳоят, гўзал золушка ҳақидаги қизиқарли ва мўъжизавий эртақлар келтирилган.

Русчадан Сурайё Тўрахонова 1978 йилда таржима қилиб, “Ёш гвардия” нашриёти томонидан альбом кўринишида чоп эттирган яна бир тўпламда “Бремен машшоқлари”, “Қуён билан типратикан”, “Сомон, чўғ ва ловия”, “Бир хумча шовла”, “Бўрон кампир”, “Етти қарға”, “Ялқов Гейнц”, “Митти одамчалар”, “Оқойим ва Гулойим”, “Уч бахтиёр”, “Қўли гул қизча”, “Ботир тикувчи”, “Тулки билан ғозлар”, “Уч ака-ука” каби эртақлар таржимаси амалга оширилиб, кичик мактаб ёшидаги болалар учун тақдим этилган. Шу китобнинг ўзида изоҳланишича, таржимон уни “Детская литература”нинг 1967 йилги нашридан таржима қилган.

1989 йилда Сано Саидов ҳам ака-ука Гриммларнинг “Уч ака-ука” ҳамда “Чол ва унинг невараси” эртақларини олмон тилидан ўзбекчага ўгириб, ёшларнинг “Гулхан” журнали 1-сонида эълон қилган.

**Хулоса.** Хуллас, немис эртақчилари ака-ука Гриммларнинг ижод намуналари турли йилларда бир неча билвосита (русча таржимасидан) ва бевосита (оригинал немис тилидан) ўзбек тилига таржима қилинган. Бизнинг бундан кейинги мақсадимиз ака-ука Гриммларнинг ўзбек тилига таржима қилинган эртақларининг оригинал, русча, ўзбекча вариантларини йиғиш, таржималарини қиёслаб ўрганиш, ва шу асосда таржималардаги ютуқ ва камчиликларни аниқлашдан иборат.

### АДАБИЁТЛАР:

1. *O'zbek bolalar adabiyoti. Darslik-xrestomatiya.* – Т.: “O'qituvchi” nashriyoti, 1976. 7-bet.
2. *Bo'ri blan yetti echki.* – *Yosh kuch.* – 1937. - № 8. – В.15-17.
3. *Bremen muzikachilari.* – *Yosh kuch.* – 1937. - № 9. – В.1- 4.
4. *Beljankaxan va Rozaxan.* – *Yosh kuch.* – 1938. - № 11-12. – В.37-39.
5. *Aka-uka Grimm. Ertaklar. A.Rahmatov tarjiması.* –Toshkent: Davlat adabiyoti nashriyoti, 1938.– 45 b.
6. Каримова, Д. (2023). *The Problem of Variability in Translation: Analysis of Grimm's Fairy Tales.* *Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 30(30).*
7. Каримова, Д. (2023). *Aka-uka gımm ertaklari o'zbekcha tarjima variantlarining shakllanish omillari va paradigmatic belgilari.* *Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 31(31).* извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/9296](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/9296)
8. Каримова, Д. (2023). *The influence of language and principles of translation on the origin of variation and invariance in translation.* *Центр научных публикаций (buxdu.Uz), 30(30).* извлечено от [https://journal.buxdu.uz/index.php/journals\\_buxdu/article/view/9127](https://journal.buxdu.uz/index.php/journals_buxdu/article/view/9127)